

Жиззах шаҳри

*Молиявий ҳисоботлардан
фойдаланувчиларга*

Изоҳли фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Фикр

Бизнинг фикримизча қайд этилган камчиликлар билан хўжалик юритувчи субъект «Зирабулоқ пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача даври учун тузилган 1-шакл «Бухгалтерия баланси», 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», ҳисоботлардан иборат бўлган 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини акс эттиради ва бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари (БҲМС) талабларига мувофиқ келади.

Аудит предмети

МСНҲ шаклидаги «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилотининг аудитори М.Гулбоев (*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №04431-ракамли аудиторлик малака сертификати 10.10.2007 йилда берилган. 10.10.2017 йилда муддати узайтирилган*) томонидан Хўжалик юритувчи субъект «Зирабулоқ пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабрь даври учун бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари (БҲМС) га мувофиқ тайерланган «Молиявий ҳисоботи»нинг ишончлилигини 2021 йилнинг 5 апрель куни тузилган №46-сонли шартномага асосан аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Изоҳли фикр билдириш учун асослар

Биз аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг «Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги» бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли стандартга мувофиқ бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз. 2019 йил «Бухгалтерия баланс» ҳисоботидаги маълумот 2020 йил якунига тузилган «Молиявий ҳисобот»нинг 1-шакли «Бухгалтерия баланс» бўйича йил бошидаги маълумот билан 3686576,0 минг сўмга фарқ қилади. Шунингдек, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган даромад солиқ 32784,2 минг сўм, ижтимоий солиқ 30359,9 минг сўм, мол-мулк солиқ 70526,5 минг сўм жами бюджетга 133670,6 минг сўм кам ҳисобланган.

Муҳимлилик

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик

амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Мухимлик даражасини ялпи тушимнинг 2%, капитал ва резервларнинг 5%, активлар суммасининг 2% микдорида режалаштирилди.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, фаолият узлуксизлиги буйича ҳисобот беришга жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган «Зирабулоқ пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2020 йил молиявий ҳисоботи ноҳўя ҳаракатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузиб кўрсатишдан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хулосасини эълон қилишдан иборат.

МЧЖ «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti
директори, аудитор:

15.05.2021 йил



М.Гулбоев

Аудиторлик текируви ўтказилган хўжалик субъекти тўғрисидаги маълумотлар:

Номи: «Зирабулоқ пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

Реквизитлари: АТБ «Агро банк» Нарпай туман бўлимида (МФО 00267) талаб қилунгунча 20210000400470676001 депозит ҳисоб рақамига эга. ИНН: 200718824.

Юридик манзили: Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Зирабулоқ кўчаси 43-уй.

Телефон: +998979277877

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар:

Аудиторлик ташкилотининг номи: МЧЖ shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti

Реквизитлари: х.р. 2020 8000 4041 3625 8001, АТИБ «Ипотека банк» Жиззах вилояти филиали, МФО 00122, ИНН 203679800.

Манзили: 130100, Ўзбекистан Республикаси, Жиззах шаҳри, Байналминалчилар-5.

Телефон: +998972-226-55-78

WWW: JPA Audit-m.Uz

e-mail: Maslaxataudit@mail.ru